

**V. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР  
ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ**  
*(фермер ва дэхçon хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 66691 тани ташкил қилиб, шундан 64907 таси ёки 97,3 фоизи фаолият кўрсатмокда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 13164 та (19,7 фоизи), саноат 12984 та (19,5 фоизи), ва қурилиш 4966 та (7,4 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 4920 та (7,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


**2018 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланади**

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>66691</b>	<b>100,0</b>	<b>64907</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	674	1,0	646	1,0
Саноат	12984	19,5	12694	19,6
Қурилиш	4966	7,4	4834	7,4
Савдо	13164	19,7	12808	19,7
ташиш ва сақлаш	2833	4,2	2778	4,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4920	7,4	4735	7,3
ахборот ва алоқа	2515	3,8	2453	3,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1319	2,0	1300	2,0
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	23316	35,0	22659	34,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 95,6 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 14,0 фоизи хусусий корхоналар, 6,2 фоизи чет эл

сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 75,1 фоизи бошқа корхоналар улушига түғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қўйидагича тақсимланади**  
*(1 июль ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)*



2018 йил январь-июнида жами 6391 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 6068 та). Уларнинг асосий қисми Юнусобод (Тошкент шаҳри бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,4 фоиз), Чилонзор (12,5 фоиз), Мирзо Улугбек (11,9 фоиз), Шайхонтоҳур (10,4 фоиз), Олмазор (9,9 фоиз), Миробод (8,5 фоиз) туманларига түғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 19,2 фоизи саноат, 25,7 фоизи савдо ва 11,5 фоизи қурилиш соҳаларига түғри келади.

Ҳисобот даврида 2013 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 657 таси (жами фаолияти тутатилганларнинг 32,6 фоизи) ихтиёрий тутатилиш тартибини қўллаш орқали тутатилган.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни  
мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш**  
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

(2018 йил 1 июль ҳолатига)

	<b>Жами, бирлик</b>	<b>Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида</b>		
		<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>	<i>шундан хусусий</i>

<b>Тошкент шаҳар бўйича:</b>	<b>66691</b>	<b>2920</b>	<b>63771</b>	<b>9354</b>
------------------------------	--------------	-------------	--------------	-------------

*туманлар:*

Бектемир	1379	60	1319	187
Мирзо Уlugбек	7755	360	7395	998
Миробод	5770	283	5487	618
Олмазор	6724	291	6433	1261
Сергели	3820	161	3659	601
Учтепа	5636	220	5416	916
Чилонзор	8616	327	8289	1176
Шайхонтохур	6728	352	6376	969
Юнусобод	9159	415	8744	1243
Яккасарой	6018	186	5832	668
Яшнобод	5086	265	4821	717

**Корхона ва ташкилотлар сони**  
*(фермер ва дөхөн хўжаликларисиз)*

(бирлик)

	2018 йил 1 июлга рўйхатга олинган	2018 йил январь-июнида	
		ташкил топди	тугатилди

<b>Тошкент шаҳар бўйича:</b>	<b>66691</b>	<b>6391</b>	<b>2013</b>
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	1379	143	33
Мирзо Улугбек	7755	765	250
Миробод	5770	546	236
Олмазор	6724	636	136
Сергели	3820	382	108
Учтепа	5636	528	97
Чилонзор	8616	797	207
Шайхонтохур	6728	664	247
Юнусобод	9159	919	223
Яккасарой	6018	526	204
Яшнобод	5086	485	272

2018 йилнинг январ-июнь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 600 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 386 тага кўпайган ёки 1,5 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида—127 та, Туркия Республикаси—101 та, Қозоғистон Республикаси—79 та, Хитой Халқ Республикаси—67 та ва Корея Республикаси— 39 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирадилар.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг давлат кесимидағи сони  
(январ-июнь ҳолатига) бирликда**

